ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.1.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИЛХАМОВ ШАВКАТ ИСЛАМОВИЧ

АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВЛАРИ ЖАРАЁНИДА ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИ БАҲОЛАШ МЕТОДОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2018

УДК: 657. 6 (575. 1)

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the Doctoral (DSc) dissertation abstract

Илхамов Шавкат Исламович
Аудиторлик текширувлари жараёнида ички назорат тизимини баҳолаш методологиясини такомиллаштириш ……..... 3

Илхамов Шавкат Исламович
Совершенствование методологии оценки внутреннего контроля в процессе аудиторских проверок ……...…….. 33

Ilkhamov Shavkat Islamovich
Improvment of methodology of an assessment internal control in the course of audit inspections ……...…… 63

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works …….…… 67

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.1.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИЛХАМОВ ШАВКАТ ИСЛАМОВИЧ

АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВЛАРИ ЖАРАЁНИДА ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИ БАҲОЛАШ МЕТОДОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1. DSc / iqt.126 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.bfa.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим портали (www.ziyonet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Ғуломов Саидахрор Саидаҳмедович**
иқтисод фанлари доктори, академик

Расмий оппонентлар: **Пардаев Мамаюнус Қаршибоевич**
иқтисод фанлари доктори, профессор

Қурбонов Зият Ниязович
иқтисод фанлари доктори, профессор

Исманов Иброхим Набиевич
иқтисод фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Тошкент давлат аграр университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.1.17.01 рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил «___» июнь куни соат 15.00 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 60а уй. Тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-11-48, e-mail: admin@tfi.uz.

Диссертация билан Тошкент молия институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 60а уй. Тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-11-48, e-mail: admin@tfi.uz.

Диссертация автореферати 2018 йил «____»_____ куни тарқатилди.

(2018 йил «____»_____даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н. Хайдаров
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

С. Мехмонов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

А.Тўйчиев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
ҳузуридаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон амалиётида ички назорат тизимини тартибга солиш қонун билан белгиланган. 2002 йилда «Sarbanes Oxley»[1] (Сарбейнс Оксли) қонунининг қабул қилиниши АҚШ давлат органларининг корпоратив бошқарув масалаларини тартибга солишда катта аҳамият касб этмоқда. Ушбу қонунда акциядорлик жамиятларида халқаро талабларга жавоб берадиган ички назорат тизимини ташкил этиш назарда тутилган. Хўжалик юритувчи субъектларда ички назорат тизимини ташкил этиш ва ушбу тизимни аудит жараёнида баҳолашнинг методологик асослари халқаро молиявий ташкилотлар ҳамда халқаро аудит стандартлари талаблари асосида такомиллаштирилмоқда. Самарали ташкил этилган ички назорат тизими ва ички аудит хизмати ишлаб чиқариш, бизнес жараёни самарадорлигини оширишга, шунингдек ишончли молиявий ҳисоботни шакллантиришга хизмат қилади.

Ҳозирги кунда дунёнинг кўпгина ривожланган мамлакатларида, айниқса, корпоратив бошқарув тизимида ички назорат ва ички аудитнинг назарий-методологик асосларини халқаро стандартлар талабларига мос равишда такомиллаштириш борасидаги илмий изланишларга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу борада, жумладан корпоратив бошқарув тизимида ички назорат ва ички аудитни халқаро талабларга мос равишда ташкил этиш, харажатларни камайтириш, иқтисодий салоҳиятни ошириш, молиявий ҳолат кўрсаткичларини яхшилаш, рақобатбардошликни ошириш ҳисобига инвестицияларни кенг жалб қилиш, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш ҳамда самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш масаласида ички назорат тизими имкониятларидан кенг фойдаланиш, ички назорат тизими ва ички аудит фаолияти самарадорлигини баҳолаш услубларини халқаро аудит стандартлари талабларига асосан такомиллаштиришга йўналтирилган илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилган.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси асосида қабул қилинган дастурда «корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усулларини жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш»[2] ҳамда «... акциядорлик жамиятлари томонидан халқаро стандартлар асосида аудит ва молиявий ҳисобот ахборотини нашр қилиш»[3] борасида аниқ вазифалар белгиланган. Мазкур вазифаларнинг самарали бажарилишини таъминлашда аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий тизимни халқаро стандартларга мос равишда ривожлантириш, корхоналарни стратегик бошқаришнинг умумий концепциясини давр талабига мос равишда

---

[1] Закон Сарбайнса-Оксли (Sarbanes Oxley) от 30.07.2002 (на русском языке: перевод). URL. http: // www.as-audit.ru/consult/show/2821/.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармонига 1-илова.

[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрель ПФ-4720 – сонли «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони.

яратиш, ички назоратни ташкил қилиш тамойилларини такомиллаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва аудит тизимини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, ички назорат тизимини баҳолашнинг методологик асосларини янада ислоҳ қилиш йўналишларида илмий изланишларни амалга оширишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида», «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги 4720-сонли «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207-сонли «Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишининг ИТД-2» Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва эркинлаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш» лойиҳаси доирасида бажарилган.

Диссертация бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи[4]. Аудиторлик фаолиятини тартибга солиш, ички назорат тизими ва ички аудит хизматини ташкил этиш, улар фаолиятини аудит жараёнида баҳолаш методологиясини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи олий таълим муассасалари ва илмий марказлари, жумладан, The center for economic and business research (CEBR), American Accounting (ACIPA), Harvard University (АҚШ), The Institute of Internal Auditors (IIA) PricewaterhouseCoopers, Ernst & Young, International Accounting Standards Board – IASB, Oxford University (Буюк Британия), International auditors firms– KPMG (Нидерландия), Москва давлат университети, Россия иқтисодиёт университети (Россия), Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва Тошкент молия институти (Ўзбекистон) томонидан амалга оширилмоқда.

Жаҳонда корпоратив бошқарув тизимида ички назорат ва ички аудитни самарали ривожлантириш, улар фаолиятини аудит жараёнида баҳолаш

[4] Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи http://www.montpellier-bs.com/; http://www.doingbusiness.org/~/media/WBG/DoingBusiness/Documents/Annual-Reports/English/DB16-Full-port.pdf; http://www.ncapec.org/docs/what_is_apec.pdf; http://www.ecattrade.com/single-post/2016/03/30/Trans-Pacific-Partner-ship-Benefits-Small-and-Medium-Sized-Enterpri-ses-in-Global-Production-Chains ва бошқа манбалар асосида тайёрланган.

методологиясини такомиллаштириш борасида амалга оширилган илмий тадқиқотларда қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: аудит жараёнида ички назорат тизими фаолиятини баҳолаш услубларини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган (The Institute of Internal Auditors (Англия)); корпоратив бошқарувда ички аудитнинг имкониятларидан кенг фойдаланиш орқали самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш, иқтисодий самарадорликни ошириш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва маҳсулот таннархини пасайтиришга эришиш мумкинлиги асосланган (Udi Hoitash Accounting Department Rutgers University (Нью-Йорк)); ички назоратнинг бизнес-стратегия, молиявий ҳисобот ва бухгалтерия ҳисоби маълумотлари ишончлилигига таъсирини баҳолаш услуби ишлаб чиқилган (American accounting association (АҚШ)); ички назоратнинг интеграллашган концепцияси асосида корхона рисклaрини бошқаришнинг такомиллашган ёндашуви ишлаб чиқилган (Financial Executives Institute FEI); Ташқи аудит жараёнида ички назорат тизимини баҳолаш методологияси ва методларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган (Умумроссия сиртқи молия-иқтисодиёт институти, Россия); Федерал ғазначиликда ички назорат тизими ва ички аудитнинг услубларини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган (Санкт-Петербург давлат университети (Россия)).

Дунё миқёсида ички назорат ва ички аудитнинг меъёрий-ҳуқуқий, назарий, ташкилий ва методологик асосларини такомиллаштириш борасида қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: аудит жараёнида ички назорат тизими фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг услубларини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш; ички назорат ва ички аудитнинг самарали механизмини қўллаш асосида моддий ва меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш резервларини аниқлаштириш, маҳсулотлар таннархини пасайтириш орқали молиявий барқарорлик ва рақобатбардошликни оширишга эришиш йўлларини излаб топиш; хорижий инвесторларни кенг жалб қилиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикасининг соҳага оид қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари мамлакатимизда аудиторлик фаолиятини ривожлантириш, уни давлат томонидан тартибга солиш ва такомиллаштиришнинг назарий-методологик асослари бўлиб хизмат қилган.

Аудиторлик текширувлари жараёнида ички назорат тизимини баҳолаш билан боғлиқ муаммоларнинг баъзи назарий, ташкилий ва методологик жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олимлардан: А.Аренс, Дж.Робертсон, Ф.Л.Дефлиз, В.В.Бурцев, В.И.Подольский, А.Проскуряков, Л.В.Сотникова, А.Д.Шеремет, В.П.Суйц[5] илмий ишларида тадқиқ қилинган.

[5] Аренс А., Лоббек Дж. Аудит: пер. с англ. Гл. ред. серии проф. Я.В. Соколов. – М.: Финансы и статистика, 2003. – 456 с.; Робертсон Дж. Аудит. Перевод с англ. – М.: КПМГ, Аудиторская фирма «Контакт», 1993. – 356 с.; Аудит Монтгомери. Ф.Дефлиз и др. Пер. с англ. С.М. Бычковой. – М.: Аудит, ЮНИТИ, 1997. – 545 с.; Бурцев В.В. Организация системы внутреннего контроля коммерческой организации. – М.: Экзамен,

Бу борадаги айрим масалалар республикамиз олимларидан К.Б.Ахмеджанов, Р.Д.Дусмуратов, А.К.Ибрагимов, Б.И.Исроилов, А.А.Каримов, Н.Ф.Каримов, З.Т.Маматов, С.У.Меҳмонов, М.Қ.Пардаев, А.Х.Пардаев, М.Э.Пулатов, М.М.Тулаходжаева, А.Ж.Тўйчиев, Б.А.Хасанов, Б.Қ.Хамдамов, З.Н.Қурбонов, К.Б.Ўрозов, И.Н.Қўзиев, К.Р.Хотамов[6] ва бошқаларнинг илмий ишларида қисман ўрганилган.

Бироқ, хўжалик юритувчи субъектларда ички назорат тизими ва ички аудит масалалари, хусусан, ички назорат тизимини баҳолашнинг назарий-методологик жиҳатлари билан боғлиқ муаммолар миллий ҳисоб тизимини ҳисобга олган ҳолда комплекс тарзда, махсус мустақил илмий–тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Бу ҳолат мазкур мавзуда илмий тадқиқотлар олиб бориш зарурлигини белгилайди.

Диссертация тадқиқотининг олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Ушбу диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган ва ФМ-6 «Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялаш шароитида бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил, аудит ва статистика соҳалари тараққиётини концептуал йўналишлари» мавзусидаги илмий тадқиқотлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади аудиторлик текширувлари жараёнида хўжалик юритувчи субъектнинг ички назорат тизимини баҳолаш методологиясини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

2000.– 200 с.; Подольский В.И. Аудит: учебник. – М.: ЮНИТИ - ДАНА, 2012. – 390 с.; Проскуряков А. Аудит финансовой отчетности.–Вологда. Дарника, 2010.–760с.; Сотникова Л.В. Совершенствование методологию и методики оценки системы внутреннего контроля в процессе внешнего аудита. Автореферат дисс. Д.э.н. М.: ВЗФЭИ, 2003; Шеремет А.Д., Суйц В.П. Аудит. Учебник. – М.: Инфра-М, 2015. – 365 с.

[6] Ахмеджанов К.Б. Хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит методологиясини такомиллаштириш. и.ф.д. ... дис. автореф. – Т.: 2016. – 76 б.; Дусмуратов Р.Д. Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятини шаклланиши ва унинг услубиятини такомиллаштириш. и.ф.д. ... дис. автореф. – Т.: 2008; Ибрагимов А.К. Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби, аудит ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таннархини аниқлашни такомиллаштириш: и.ф.д. ... дисс. автореф. – Т.: 2002. – 42 б.; Исроилов Б.И. Солиқларнинг молиявий ҳисоби ва таҳлилининг методологик асослари: и.ф.д. ... дис. автореф. – Т.: 2006. – 42 б.; Каримов А.А. Корпоратив бошқарув тизимида бухгалтерия ҳисоби ва аудитини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари: и.ф.д. ... дисс. автореф. – Т.: 2009. – 32 б.; Каримов Н.Ф. Тижорат банкларида ички аудитни ташкил қилиш ва унинг услубиятини такомиллаштириш муаммолари: и.ф.д. ... дисс. автореф. – Т.: 2007.– 36 б.; Маматов З.Т. Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ҳисобот аудитини ўтказишни такомиллаштириш масалалари: и.ф.д. ... дисс. автореф. – Т.: 2005 – 40 б.; Меҳмонов С.У. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш: и.ф.д. ... дисс. автореф. – Т.: 2018 – 77 б.; Пардаев М.Қ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида иқтисодий таҳлилнинг назарий ва методологик муаммолари: и.ф.д. ... дисс. автореф. – Т.: 2002. – 43 б.; Пулатов М.Э. Интеллектуал капитал ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш: и.ф.д. ... дисс. автореф. – Т.: 2017 – 66 б.; Тулаходжаева М.М. Ўзбекистон Республикасида молиявий назорат тизими. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1998. – 176 б.; Хасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш масалалари: и.ф.д. ... дисс. автореф. – Т.: 2004. – 42 б.; Хамдамов Б.Қ. Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳисоб ва ҳисобот тизимида аудиторлик назоратини ривожлантиришнинг услубий асослари: и.ф.д. ... дисс. автореф. – Т.: 2007 – 33 б.; Қурбонов З.Н. Солиқ ҳисоби ва аудитининг методологик муаммолари. Монография. – Т.: «Fan va texnologiya», 2008. – 156 б.; Қўзиев И.Н. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида аудиторлик ҳисоботини тузиш ва умумлаштириш методологиясини такомиллаштириш. и.ф.д. ... дисс. автореф. – Т.: 2017. – 70 б. Хотамов К.Р. Билвосита солиқлар ҳисоби, таҳлили ва аудитини такомиллаштириш: и.ф.д. ... дисс. автореф. – Т.: 2016. – 75 б.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ички назоратнинг методологик асосларини тадқиқ этиш, унинг мақсади, вазифалари, тамойил ҳамда функцияларини ўрганиш;

аудитнинг халқаро ва миллий стандартларини таҳлил қилиш асосида ички назорат тизимини баҳолаш тартибини белгилаш;

ички назорат тизимининг ишончлилигини баҳолаш амаллари, усуллари ва даражасини белгилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

хўжалик юритувчи субъектнинг ички назорат тизимини баҳолаш тўғрисидаги маълумотларни аудиторлик ҳисоботи ва хулосасида акс эттириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботи бўйича муҳимлилик даражасини белгилаш услубини ишлаб чиқиш;

ички назорат тизимини баҳолаш натижаларини аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларда акс эттиришга оид таклифлар ишлаб чиқиш;

ички назорат тизимини баҳолашнинг назарий-методологик жиҳатларини ишлаб чиқиш;

ички аудит хизмати фаолиятини баҳолаш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида аудиторлик ташкилотлари фаолияти ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ички назорат тизими олинган.

Тадқиқотнинг предмети аудиторлик текширувлари жараёнида ички назорат тизимини баҳолашда содир бўладиган иқтисодий муносабатлар мажмуидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида гуруҳлаш, таққослаш, баҳолаш, статистик ва эконометрик моделлаштириш, индукция, дедукция, омилли таҳлил ва бошқа усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат**:**

бухгалтерия ҳисоби субъекти ички назоратни ташкил этиши ва уни амалга оширишнинг самарадорлиги, активларнинг бут сақланишини таъминлаш, талон-торож қилиш ҳолатлари ва хатоликларнинг олдини олиш борасида масъулияти ва жавобгарлигини қонун билан тартибга солиш бўйича таклифлар асосланган;

аудитор ички назорат тизими, унинг молиявий ҳисобот ишончлилигини таъминланиши ва хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг хусусиятига мувофиқлиги ёки ички назорат тизимининг хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг кўлами ва хусусиятига аҳамиятли номувофиқликлар тўғрисидаги маълумотларни аудиторлик ҳисоботининг таҳлилий қисмида акс эттирилиши таклиф этилган;

аудиторлик ташкилоти, хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик муносабатларида унинг молиявий аҳволини, молиявий натижаларини ҳаққонийлиги тўғрисида фикр билдириши учун муҳимлилик даражаси қийматини аниқлаш, унинг аудиторлик рискига таъсирини баҳолаш ва аудиторлик хулосасида акс эттирилиши асосланган;

ички аудит хизмати корхонанинг ижроия органи томонидан бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли

тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширилишининг белгиланган қоидаларига риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали корхона ижроия органи ишини назорат қилиш тизимини жорий этиш асосида такомиллашган назарий-услубий ёндашув ишлаб чиқилган;

аудиторлик текширувлари жараёнида ички назорат тизими ва ички аудит хизмати фаолияти самарадорлигини таҳлил қилиш, молиявий ҳисоботдаги маълумотларни ишончлилигини текшириш, назорат қилиш ва самарали амалга оширилганлигини баҳолаш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қўйидагилардан иборат:

аудиторлик текширувлари жараёнида хўжалик субъектида ташкил этилган ички назорат тизимидан фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида ички назорат воситаларини тестдан ўтказиш дастурини қўллаш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

назорат муҳити ва ички назорат воситалари ишончлилигини дастлабки баҳолаш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқилган;

аудит жараёнида ички аудит хизмати фаолияти ва шу хизмат томонидан ташкил этиладиган ички назорат воситаларини баҳолашга оид амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Олинган натижаларнинг ишончлилиги тадқиқот давомида фойдаланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан, хусусан Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг статистик маълумотларидан олингани ҳамда тегишли хулоса ва таклифларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий қилингани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот иши натижаларининг илмий аҳамияти олинган илмий хулоса ва ишлаб чиқилган амалий тавсиялардан республикамиз хўжалик юритувчи субъектларида аудиторлик текширувларини ўтказиш жараёнида ички назорат тизимини баҳолашнинг назарий-методологик ва услубий аппаратни такомиллаштириш, аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, аудитнинг фундаментал ва амалий жиҳатларини махсус, чуқур тадқиқ этишга бағишланган илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлар ва амалий тавсиялардан хўжалик юритувчи субъектларда ички назорат тизимини ташкил этиш, амалга ошириш, улар фаолиятини аудиторлик ташкилотлари томонидан аудиторлик текширувларини ўтказиш жараёнида баҳолаш ҳамда аудитни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Аудиторлик текширувлари жараёнида ички назорат тизимини баҳолаш методологиясини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

бухгалтерия ҳисоби субъекти аудиторлик текширувларини сифатли ўтказилишини таъминловчи ички назорат тизими фаолиятини ташкил этиш, амалга ошириш ва ривожлантириш бўйича масъулиятни норматив-ҳуқуқий ҳужжат асосида тартибга солишга оид назарий-услубий таклифлар Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунининг (2016 йил 13 апрель) 21-моддасини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Қонунчилик палатасининг 2018 йил 6 февралдаги 04/3-06-10-сонли маълумотномаси). Илмий натижадан фойдаланиш хўжалик юритувчи субъектларда ички назорат тизимини самарали ташкил этишга хизмат қилган;

аудитор ички назорат тизими, унинг молиявий ҳисобот ишончлилигини таъминлаши ва хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг хусусиятига мувофиқлиги ёки номувофиқликлар тўғрисидаги маълумотларни аудиторлик ҳисоботининг таҳлилий қисмида акс эттирилиши бўйича таклифлар асосида Молия вазирлигининг (2016 йил 9 ноябрь, 85-сон) буйруғи билан тасдиқланган 70-сонли «Молиявий ҳисобот тўғрисидаги аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосаси» номли аудиторлик фаолиятининг миллий стандартини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Молия вазирлигининг 2017 йил 29 ноябрдаги КА17-02-35/639-сонли маълумотномаси). Илмий натижадан фойдаланиш аудиторлик текширувларини сифатли ўтказилишини ҳамда аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосалари учун масъулиятини оширишга ҳамда аудиторлик фаолиятини тартибга солиш учун хизмат қилган;

аудиторлик ташкилоти хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботи бўйича муҳимлилик даражасининг аудиторлик рискига таъсирини аниқлаш бўйича таклифлар Молия вазирлигининг (2016 йил 9 ноябрь, 85-сон) буйруғи билан тасдиқланган 70-сонли «Молиявий ҳисобот тўғрисидаги аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосаси» номли аудиторлик фаолиятининг миллий стандартини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Молия вазирлигининг 2017 йил 29 ноябрдаги КА 17-02-35/639-сонли маълумотномаси) ҳамда аудиторлик ташкилотларининг амалий фаолиятига татбиқ этилган (Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциациясининг 2017 йил 30 январдаги 16-сонли маълумотномаси). Илмий натижадан фойдаланиш аудиторлик текширувлари сифатини муайян даражада таъминлашга, аудиторлик рискининг камайишига, аудитни малакали олиб борилганлигини исботлаш ва аудиторларнинг жавобгарлик даражасини аниқ белгилаб беришга хизмат қилган. Бунинг натижасида аудиторлик риски 20 %га камайган ва аудиторлар томонидан йўл қўйилиши мумкин бўлган хатолик чегараси рискка мос равишда 20% га кўтарилган;

ички аудит хизмати функцияларининг давлат томонидан тартибга солиш борасидаги ёндашув асосида Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги

қонуннинг 108-моддасини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Қонунчилик палатасининг 2018 йил 6 февралдаги 04/3-06-10-сонли маълумотномаси). Илмий натижадан фойдаланиш акциядорлик жамиятларида ички аудит хизматини самарали ташкил этиш ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга хизмат қилган.

аудиторлик текширувлари жараёнида ички назорат тизими ва ички аудит хизмати фаолияти самарадорлигини таҳлил қилиш, молиявий ҳисоботдаги маълумотларни ишончлилигини текшириш, назорат қилиш ва самарали амалга оширилганлигини баҳолаш бўйича илмий таклифлардан ИОТ-2016-1-89 рақамли инновацион лойиҳани бажаришда фойдаланилган ҳамда олий таълимнинг бакалавриат таълим йўналишида «Аудит» ва «Иқтисодий таҳлил ва аудит» фанларидан дарсликларга киритилган (ОЎМТВ нинг 2018 йил 27 февралдаги 89-03-883-сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг лойиҳани бажаришда қўлланилиши аудит жараёнида ички назорат тизимини баҳолаш ҳамда ички аудит методологиясини такомиллаштириш йўналишларини аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 17 та, жумладан 12 та республика ва 5 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган ва ижобий хулосалар олинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация натижалари 37 та илмий иш, шу жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 21 илмий мақола, жумладан 18 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган. Диссертация ҳажми 230 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Аудиторлик текширувлари жараёнида ички назорат тизимини баҳолашнинг назарий-методологик асослари**» деб номланган биринчи бобида ривожланган хорижий давлатларнинг илғор тажрибасини ўрганган ҳолда хўжалик юритувчи субъектларда ички назорат тизимини ташкил этишнинг методологик асослари тадқиқ этилган. «Ички

назорат», «Ички назорат тизими» тушунчалари, уларнинг назорат тизимидаги ўрни ва аҳамияти атрофлича таҳлил қилинган. Аудитнинг халқаро ва миллий стандартларини танқидий таҳлил қилиш натижасида ички назорат тизимини баҳолашнинг халқаро стандартларга мувофиқлаштириш масаласи илгари сурилган.

Ички назоратни илмий жиҳатдан ташкил этишнинг зарур шарти ва бу тизимни баҳолашнинг назарий-услубий асоси «ички назорат», «ички назорат тизими» тушунчаларининг моҳиятини очиб берилишидир. Фикримизча, ички назоратнинг мавжуд бўлиши бу тушунчага қандай таъриф беришга боғлиқ. Бу борада ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаларини ўрганиб, турли олимлар фикр-мулоҳазалари танқидий таҳлил қилиниб, умумлаштирилган ҳолда янги таърифи шакллантирилди: «Ички назорат–бошқарув функцияларидан бири сифатида бухгалтерия ҳисобини юритишда, молиявий, статистик ва бошқа ҳисоботларни тузишда хўжалик операцияларини амалга оширишнинг қонунийлиги, акс эттириладиган маълумотларнинг ишончлилиги, активлар ва ёзувларнинг сақланишини таъминлаш, хатоликларни олдини олиш, аниқлаш ҳамда бартараф этиш мақсадида бошқарув субъекти раҳбари томонидан ташкил этилган ва амалга ошириладиган ташкилий чора-тадбирлар ҳамда мунтазам ўтказиладиган назорат ҳаракатларидан иборат».

Хорижлик олимнинг фикрича, «ички назорат тизимини ўрганиш жараёнида ўрганиш, баҳолаш ва тестдан ўтказиш босқичлари ажратилиши керак»[7]. Ушбу тизимни баҳолаш босқичлари модели 1-расмда намойиш этилган.

Ички назорат тизимини ўрганиш босқичида: назорат таркиби ҳақида тасаввур ҳосил бўлади; аудиторлик текширувларини ҳужжатлаштириш ва дастлабки режасини ишлаб чиқиш амалга оширилади; баҳолаш босқичида – назорат риски баҳоланади, назорат рискини камайтириш харажатлари ҳисоблаб чиқилади; тестдан ўтказиш босқичида – назоратнинг бажариладиган амаллари ва уларнинг бажарилиши аниқланади.

Меъёрий ҳужжатда аудиторларга ички назорат тизимини камида учта босқичда баҳолаш вазифаси юклатилган. Жумладан: «1) ички назорат тизими билан умумий танишув; 2) ички назорат тизими ишончлилигини дастлабки баҳолаш; 3) ички назорат тизимини баҳолашнинг ишончлилигини тасдиқлаш.

Шу билан бирга, аудиторлик ташкилотлари ўз фаолиятида ички назорат тизимини баҳолашнинг кўпроқ сонли босқичларини қўллаш тўғрисида қарор қабул қилишлари мумкин[8].

Афсуски, ички назорат тизимини баҳолаш бўйича тавсияларнинг турли стандартларда акс эттирилиши аудиторлик ташкилотлари учун ички назорат тизимини баҳолашнинг ягона методологиясини шакллантиришга ёрдам бермайди, бу эса, ушбу тизимни баҳолаш бўйича аудиторлик

---

[7] Робертсон Дж. Аудит. Перевод с англ. – М.: КПМГ, Аудиторская фирма «Контакт», 1993. – С. 146.

[8] 12-сон «Аудиторлик текширувлари жараёнида бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимини баҳолаш» номли АФМС. 26-банд. Ўз.Р. Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 12 апрелда 1673-сон билан рўйхатга олинган.



1-расм. Ички назорат тизимини баҳолаш босқичлари модели[9]

[9] Халқаро амалиётни таҳлил қилиш натижасида Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

ташкилотларининг ички стандартлари комплексини ишлаб чиқиш заруратини вужудга келтиради. Шу сабабли, аудитнинг халқаро ва миллий стандартларига асосланган ҳолда тадқиқот жараёнида ички назорат тизимини баҳолашнинг босқичлари ишлаб чиқилди.

Ички назорат ҳолатини текширишнинг умумий натижаларини баҳолаш ихтиёрий шаклда ифодаланиши мумкин. Фикримизча, аудиторлик ҳисоботининг таҳлилий қисмида ички назорат тизимини текшириш қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим: 1) ички назорат тизими, унинг молиявий ҳисобот ишончлилигини таъминлаши ва хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг хусусиятига мувофиқлиги тўғрисидаги маълумот; 2) аудиторлик текшируви давомида аниқланган ички назорат тизимининг хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг кўлами ва хусусиятига аҳамиятли номувофиқликларнинг баёни.

Тадқиқотимиз натижасида аудиторлик хулосалари мазмунига ҳам ички назорат ҳолатини текширишнинг умумий натижаларига хос талаблар киритилиши таклиф этилди. Хусусан, 1) аудиторлик текшируви жараёнида хўжалик юритувчи субъектнинг ички назорат тизими унинг фаолияти кўлами ва хусусиятига мос келмаслиги ҳақида хулосага олиб келиши мумкин бўлган далиллар аниқланмаганлиги; 2) аудиторлик текшируви жараёнида хўжалик юритувчи субъектнинг ички назорат тизими унинг фаолияти кўламлари ва хусусиятига мос келмаслиги ҳақида хулосага олиб келиши мумкин бўлган далиллар аниқланганлиги; 3) хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботни тайёрлаганлиги ва унинг ҳаққонийлиги, шунингдек ички назорат тизими учун жавобгарлиги.

Маълумки, назорат бошқарув функцияларидан бири ҳисобланади. Шу боис ички назорат тизимининг ташкил қилиниши ва унинг амалга оширилиши раҳбарга мазкур хўжалик юритувчи субъектни самарали бошқаришда кўмаклашувчи восита ҳисобланади. Бинобарин, қонунда «Бухгалтерия ҳисоби субъекти ички назоратни ташкил этади ва амалга оширади»[10] деб белгиланган. Бунда қўлланилаётган ички назорат тизими хўжалик юритувчи субъектнинг хусусияти, кўлами ва ҳисоб сиёсати талабига жавоб бериши, доимий ва самарали амал қилиши лозим.

Ходимларнинг функциялари, агарда уларнинг битта шахсда мужассамлашганлиги тасодифий ёки қасддан хатоликка йўл қўйилишига олиб келса ҳамда хато ва камчиликлар аниқланишига қийинчилик туғдирса, у ҳолда улар ўзаро боғлиқ бўлмаган ҳисобланади. Ички назорат тизимининг самарадорлигини таъминлаш учун қатор функциялар турли шахслар ўртасида тақсимланади (2-расм).

Ички назорат тизимининг самарали амал қилиши, шунингдек, тегишли фаолиятни юритиш масъулияти бириктирилган ходимларга ҳам боғлиқ. Ходимларни танлаш, ёллаш, лавозимини кўтариш, ўқитиш ва қайта тайёрлаш тизими тегишли ходимлар малакасининг юқорилигини таъминлаши лозим.

[10] Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» ги қонуни (2016 йил 13 апрел. Янги таҳрир) 21-модда.



2-расм. Ички назорат тизимининг тақсимланадиган функциялари[11]

Умуман раҳбар хўжалик юритувчи субъектда самарали ички назорат тизимини ташкил қилиш, назорат муҳитини яратиш ва барча тегишли ходимларни хўжалик юритувчи субъект олдида турган мавжуд рисклар тўғрисида хабардор қилишга масъул ҳисобланади.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Аудиторлик текширувлари жараёнида ички назорат тизимини баҳолашнинг методологик жиҳатлари**» деб номланиб, ушбу боб назорат муҳити, назорат воситалари, ички назорат тизими ишончлилигини баҳолаш методологиясини тадқиқ этишга бағишланган. Шунингдек, ушбу бобда ички назорат тизимини баҳолашда рискни ҳисобга олиш ҳамда аудит жараёнида бухгалтерия ҳисоби тизимини ўрганиш, муҳимлилик ва аудиторлик рискини баҳолаш бўйича услубий таклифлар, уларни халқаро стандартлар асосида амалга ошириш ҳамда амалий натижалари ҳақида фикр-мулоҳазалар юритилган.

Халқаро ва миллий аудит стандартларини қиёсий таҳлил қилиш шуни таъкидлаш имконини бердики, халқаро аудит стандартига мувофиқ, ички назорат воситаларининг ишончлилигини дастлабки баҳолаш бир босқичда амалга оширилади, миллий стандартнинг мазмуни эса бир босқичда ички назорат тизимининг барча учта таркибий қисми – бухгалтерия ҳисоби тизими, назорат муҳити ва назорат воситаларини баҳолашни назарда тутади.

Фикримизча, ички назорат тизимининг ишончлилигини баҳолаш иккита босқични: 1) назорат муҳитининг ишончлилигини баҳолаш; 2) ички назорат воситаларининг ишончлилигини баҳолаш, шу жумладан маълумотларга компьютерда ишлов бериш муҳитини умумий назорат воситаларини ўз ичига олиши лозим (3-расм).

Босқичларнинг ажратиб кўрсатилиши қуйидагилар билан асосланади: 1) назорат муҳитини ўрганиш ички назорат тизими билан умумий танишиб чиқиш босқичида амалга оширилади, назорат муҳитининг ишончлилиги эса ички назорат муҳитининг ишончлилигини дастлабки баҳолаш босқичида баҳоланади; 2) «дастлабки баҳолаш босқичи» деб номлаш кейинчалик «якуний баҳолаш босқичи» ўрин тутишини англатмайди, фақат ушбу дастлабки баҳолаш алоҳида аҳамиятга эга эмас, балки ички назорат тизимининг ишончлилигини умумий баҳолашнинг таркибий қисми эканлигини англатади; 3) сўнгги технологик босқичда-ички назорат

[11] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

воситаларини баҳолашнинг ишончлилигини тасдиқлаш босқичида - назорат воситаларининг тестлари билан назорат муҳитининг ишончлилиги эмас, балки ушбу воситаларнинг ишончлилигининг дастлабки баҳоси тасдиқланади; 4) дастлабки баҳолаш босқичида назорат муҳитининг ишончлилиги баҳоланади ва у бошқа кўриб чиқилмайди, лекин назорат воситаларини тестдан ўтказиш орқали тасдиқлашни талаб қилади; 5) агар назорат воситалари ишончлилигининг дастлабки баҳоси – «паст» бўлса, у ҳолда аудиторлик текширувининг сўнгги босқичига ўтилмайди.



3-расм. Ички назорат тизимининг ишончлилигини баҳолаш босқичлари[12]

Ички назорат тизимининг ишончлилигини дастлабки баҳолаш босқичида қуйидаги омилларини таҳлил қилиш таклиф этилади: ташкилий тузилма; мажбуриятлар, ваколатлар ва жавобгарликни тақсимлаш тизими; кадрлар сиёсати; ички назорат хизмати томонидан ўтказиладиган тадбирлар; ички назорат тизимининг мол-мулк, пул маблағларининг бутлигини таъминлашга йўналтирилган алоҳида воситалари; ҳисоб регистрлари; ҳисоб сиёсати; шартнома мажбуриятлари; назорат муҳитининг ҳам, бухгалтерия ҳисоби тизимининг ҳам элементларини ўз ичига олувчи, маълумотларга компьютерда ишлов бериш тизимида назорат воситалари.

Алоҳида назорат воситаларининг ишончлилигини дастлабки баҳолаш учун, биринчи галда, аудиторлик текшируви давомида ўрганилиши лозим бўлган субъект фаолиятининг жараёнларини ва ушбу жараёнларга тааллуқли бўлган хўжалик операциялари таркибини аниқлаш зарур.

Хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг жараёнлари ва ички назорат амалларининг муайян таркиби билан таснифланувчи хўжалик операциялари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик 4-расмда келтирилган.

Дастлабки баҳолаш тадбирларининг якунига кўра ички назорат тизимига ёки алоҳида назорат воситаларига ишониш тўғрисида қарор қабул қилган аудиторлик ташкилоти аудиторлик текшируви жараёнида ушбу тизимнинг ишончлилигини тасдиқлаш тадбирини амалга ошириши шарт.

[12] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



4-расм. Хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг жараёнлари ва ички назорат амаллари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик[13]

Бунда, назорат рискининг дастлабки баҳоси қанчалик паст бўлса, аудитор бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимлари самарали фаолият кўрсатишига нисбатан шунчалик кўп далилларга эга бўлиши керак.

Халқаро аудит стандартида шундай талаб мавжудки, унга кўра «аудитор назорат тизими рискининг ҳар қандай баҳосини тасдиқлаш учун назорат тестларини ўтказиш йўли билан аудиторлик далилларига эга бўлиши зарур»[14].

Шундай қилиб, назорат воситалари тести аудиторлик далилларининг манбалари ҳисобланади ва текширилаётган хўжалик юритувчи субъектда ташкил этилган назорат воситалари ишончлилигининг баҳосини тасдиқлаш учун бажарилади.

Тадқиқот мақсадидан келиб чиқиб, биз аудиторлик текширувлари жараёнида ички назорат тизимини баҳолашда фойдаланишимиз мумкин бўлган аудиторлик рискларни кўриб чиқдик. Жумладан, «Аудиторлик риски ўз ичига учта таркибий қисмни олади: ажратиб бўлмайдиган риск; назорат риски; молиявий ҳисоботдаги хатолар ва бузилишларни аниқлай олмаслик риски»[15]. Халқаро амалиётни таҳлил қилиш натижасида ички назорат тизимини ўрганиш жараёнининг босқичлари, ушбу босқичларни иш ҳужжатлари шаклида бажариш натижалари ва аудиторлик риски моделининг таркибий элементлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик чизма кўринишида ифодаланди (5-расм).

Ажратиб бўлмайдиган рискни баҳолашда қайсидир бухгалтерия счёти бўйича қолдиқнинг аҳамиятлилиги ва ушбу счёт бўйича бухгалтерия

[13] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.
[14] Международные стандарты аудита. Кодекс этики Международной федерации бухгалтеров. – М.: МЦРБУ, 2001. – С. 145.
[15] 9-сон «Жиддийлик ва аудиторлик риски» номли АФМС. 12-банд.

ҳисобини юритиш сифати ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш, яъни молиявий ҳисоботнинг моддалари ўртасида муҳимлилик даражасини тақсимлаш лозим.

5-расм. Аудиторлик риски моделининг таркибий элементлари билан ўзаро боғлиқлиги[16]

Иқтисодий адабиётда[17] молиявий ҳисоботнинг алоҳида моддалари ўртасида муҳимлилик даражасининг абсолют қийматини тақсимлашнинг «йўналтирилган тестдан ўтказиш усули» деб номланувчи алгоритми ёритилган бўлиб, у қуйидагиларни назарда тутади:

1. Муҳимлилик даражасини баланс якунидаги энг салмоқли улуш бўйича тақсимлаш учун актив ва пассив счётларни танлаб олиш.

2. Муҳимлилик даражасини танлаб олинган счётларнинг дебет ва кредит айланмалари ўртасида тақсимлаш. Бунда муҳимлилик даражаси баланс якунига нисбатан фоиз ҳисобида эмас, балки стандартда[18] таклиф этилган услубга мувофиқ, бухгалтерия балансида (баланс валютаси (2%) ва хусусий капиталнинг миқдори (10%)) ҳамда молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда (ялпи сотувлар ҳажми (2%), умумий харажатлар (2%), баланс фойдаси (5%)) акс эттирилган кўрсаткичлар фоиз ҳисобида белгиланади.

[16] Халқаро амалиётни таҳлил қилиш натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.
[17] Данилевский Ю.А., Шапигузов СМ. и др. Аудит: учеб. пособие. - 2-е изд. перераб. и доп. – М.: Издательский дом ФБК-ПРЕСС, 2002. – С. 131.
[18] Правило (стандарт) аудиторской деятельности РФ «Существенность и аудиторский риск». п. 3.

Халқаро амалиётга кўра, «Аудитор ўзининг малакавий мулоҳазасидан келиб чиқиб муҳимлилик даражасини аниқлайди. Аудиторлар одатда муҳимлиликни аниқлаш учун мўлжалланган белгилардан фойдаланадилар. Улардан энг кўп тарқалгани - даромад (фойда) солиғи тўлангунга қадар фойданинг 5 дан 10 фоизигача; активлар жамининг 0,5 дан 1,0 фоизигача; хусусий капитал суммасининг 0,5 дан 5,0 фоизгача; соф фойданинг 0,5 дан 1,0 фоизигача»[19].

Амалдаги меъёрий ҳужжатларда муҳимлилик даражасини мутлақ қийматини белгилаш назарда тутилмаган. Бироқ, стандартда[20] «Жиддийлик (муҳимлилик) даражасининг мутлақ қийматини аниқлашда аудитор аудит қилинадиган хўжалик юритувчи субъект ҳисоботининг ишончлилигини тавсифлайдиган, кейинчалик молиявий ҳисоботнинг асосий кўрсаткичлари деб номланадиган, энг муҳим кўрсаткичларни асос сифатида қабул қилиши керак», деб эътироф этилган.

Халқаро ва миллий амалиётни таҳлил қилиш натижасида, муҳимлилик даражасини маълум бир баланс моддаларининг баланс жамидаги улушига нисбатан тақсимлашни таклиф қиламиз. Бунинг учун 1-жадвал маълумотларидан фойдаланамиз.

1-жадвал

Молиявий ҳисоботнинг базавий кўрсаткичлари[21]

Молиявий ҳисобот моддалари	сумма, минг сўм	Халқаро меъёр бўйича		Таклиф этилаётган меъёр бўйича	
		улуши, %	муҳимлилик даражаси, минг сўм	улуши, %	муҳимлилик даражаси, минг сўм
1	2	3	4	5	6
Маҳсулот (иш, хизмат) ларни сотишнинг ялпи фойдаси (2-шакл, 030-сатр)	857821	-		2	17156
Даромад солиғини тўлагунга қадар фойда (2-шакл, 240-сатр)	441503	5-10	44150	5	22075
Активлар жами (1-шакл, 400-сатр)	2226600	0,5-1,0	22266	0,5	11133
Устав капитали (1-шакл, 410- сатр)	650910	0,5-5,0	32545	5	32545,5
Соф фойда (2-шакл, 270-сатр)	368489	0,5-1,0	3684	1	3684

$$\frac{17156+22075+11133}{3}=\frac{50364}{3}=16788;$$

[19] Аудит. Учебное пособие подготовленное корпорацией «Прагма» при поддержке Агентства США по международному развитию. – Ташкент: Издательство Национальной ассоциации бухгалтеров и аудиторов Республики Узбекистан, 2005. – С. 47.

[20] 9-сон «Жиддийлик ва аудиторлик риски» номли аудиторлик фаолиятининг миллий стандарти. 9-банд. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 3 сентябрда 813-сон билан рўйхатга олинган.

[21] Молиявий ҳисобот кўрсаткичлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Ҳосил бўлган миқдорни кўпайтириш ёки камайтириш мумкин, бироқ халқаро амалиётга мувофиқ, 20% дан ошмаслиги керак. Биз уни камайтирамиз.

$$\frac{16788-15000}{16788}=10{,}6\%;$$ (меъёр даражасидан паст).

Демак, муҳимлилик даражасини 15000 минг сўм миқдорида белгилашимиз мумкин. Аниқланган муҳимлилик даражасини баланснинг моддалари бўйича, уларни балансдаги улушига нисбатан тақсимлаймиз ва 2-жадвалда кўрсатилган натижаларга эришамиз.

2-жадвал

Муҳимлилик даражаси кўрсаткичини баланс тузилиши бўйича тенг тақсимлаш[22]

Баланс актив моддалари	Сумма, минг сўм	Улуши, %	Муҳимлилик даражаси, минг сўм	Баланс пассив моддалари	Сумма, минг сўм	Улуши, %	Муҳимлилик даражаси, минг сўм
1	2	3	4	5	6	7	8
Асосий воситалар	197202	8,8	1320	Устав капитали	650910	29,2	4380
Узоқ муддатли инвестициялар	828357	37,3	5595	Қўшилган капитал	80993	3,8	570
Товар моддий захиралари	1036312	46,5	6975	Резерв капитали	565877	25,4	3810
Дебиторлар	96273	4,3	645	Тақсимланмаган фойда	405034	18,3	2745
Пул маблағлари	68456	3,1	465	Жорий мажбуриятлар	523786	23,3	3495
Жами	2226600	100	15000	Жами	2226600	100	15000

Шундай қилиб, аудитор аудиторлик текшируви жараёнида муҳимлилик даражасини асосий воситалар, узоқ муддатли инвестициялар, устав капитали ва бошқа муомалалар учун мос равишда 1320; 5595; 4380 минг сўм миқдорида белгилаб олади ҳамда мажбурий тартибда аудитнинг умумий режасида қайд қилиши шарт.Зеро, муҳимлилик даражаси аудитор томонидан йўл қўйилиши ва ўтказиб юборилиши мумкин бўлган хатонинг энг юқори чегарасини белгилайди.

Муҳимлилик даражаси кўрсаткичини хўжалик юритувчи субъектнинг дебет ва кредит айланма қайдномаси асосида ҳам тенг тақсимлашни таклиф этамиз (3-жадвал).

Ушбу услубият қуйидаги афзалликка эга: тақсимлаш учун танлаб олинган счётлар дебети ва кредити бўйича айланмаларга нисбатан ҳисоб-китобларни қўллаш имконияти мавжуд, чунки муҳимлилик даражасини

[22] Молиявий ҳисобот кўрсаткичлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

счётлар бўйича қолдиқлар ўртасида тақсимлашга йўналтирилган услубият аудиторлик хулосасида тасдиқланиши лозим бўлган ҳисоботга нисбатан қўлланилади.

3-жадвал

Муҳимлилик даражасини дебет ва кредит айланма қайдномаси асосида тақсимлаш (қисқартирилган)[23]

Счетлар рақами	Дебет бўйича айланма, минг сўм	Умумий айланмадаги улуши, %	Муҳимлилик даражаси, минг сўм	Кредит бўйича айланма, минг сўм	Умумий айланмадаги улуши, %	Муҳимлилик даражаси, минг сўм
100	95517	0,11	16,5	149275	0,2	30
1000	369476	0,44	66	506216	0,6	90
2000-2700	83747	0,1	15	-	-	
2800	21365801	25,5	3825	21271938	25,3	3795
4000-4800	56128746	67,2	10080	56080913	67	10050
Бошқа счетлар	5503132	6,65	997,5	5538077	6,9	1035
Жами	**83546419**	**100**	**15000**	**83546419**	**100**	**15000**

Тадқиқот ишининг «**Аудиторлик текширувлари жараёнида ички назорат воситаларини баҳолаш методологиясини такомиллаштириш**» деб номланган учинчи боб хўжалик субъектининг таъминот, ишлаб чиқариш ҳамда сотиш жараёнларининг ички назорат воситаларини баҳолаш масалаларига бағишланган. Хорижий тажриба ва амалиётни қиёсий таҳлил қилиш, бизга таъминот жараёнига хос бўлган ички назорат воситаларининг самарадорлигини учта босқичда баҳолаш имконини берди, жумладан: 1) ички назорат воситаларини дастлабки ўрганиш; 2) ички назорат воситаларини тестдан ўтказишни амалга ошириш учун улардан ҳар бирининг ишончлилигини дастлабки баҳолаш; 3) тестдан ўтказиш натижалари асосида ички назорат воситаларининг ишончлилигини якуний баҳолаш.

Таъминот жараёнига ички назорат воситалари амал қилишининг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, хўжалик субъектида ички назорат қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилади: назоратни амалга ошириш шартлари, тўлиқлик, ҳақиқийлик, рухсат бериш, аниқлик, таснифлаш, ҳисобга олиш ва даврларга бўлиш. Корхона раҳбари томонидан ташкил этилган ички назорат воситалари ёрдамида амалга ошириладиган ушбу йўналишлардан ҳар бирининг мақсадлари 4-жадвалда намоён этилган.

Таъминот жараёнида бўлгани каби ишлаб чиқариш жараёнининг ички назорат воситаларини тестдан ўтказиш учун ҳам аудиторлик ташкилоти қуйидагиларни ишлаб чиқиши ва ички стандарт билан расмийлаштириши лозим: 1) аудиторлик текшируви дастури; 2) молиявий ҳисоботнинг жараёнларга тааллуқли моддалари бўйича учраши мумкин бўлган эҳтимолий хатоликлар классификатори.

Аудиторлик текширувлари давомида ишлаб чиқариш жараёни ички назорат воситаларини баҳолаш учун таҳлилий амаллардан фойдаланишни

[23] Молиявий ҳисобот кўрсаткичлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

тавсия этамиз.

4-жадвал

Таъминот жараёни ички назорат йўналишлари ва унинг мақсадлари[24]

Ички назорат йўналишлари	Таъминот жараёни учун ички назорат мақсадлари
Назоратни амалга ошириш шартлари	Барча ходимлар лавозим йўриқномасида кўрсатилган функцияларни бажарадилар
	Барча операциялар намунавий шакллардаги дастлабки ҳужжатларда расмийлаштирилади ва ҳ.к.
Тўлиқлик	Моддий қийматликларни сотиб олиш бўйича қарзларни тўлашга тақдим қилинган счётлар баланс тузиш санасига барча суммани тўлиқ акс эттиради
Ҳақиқийлик	Тўлашга рўйхатдан ўтган счётлар ҳақиқатдан баланс тузиш санасига мол етказиб берувчи ва пудратчилар олдидаги қарз суммасига мос келади
	Молиявий ҳисоботда акс эттирилган моддий қийматликлар ҳақиқатдан ҳам ҳисобот даври мобайнида қабул қилинган
Рухсат бериш	Ҳисобот даврида барча таъминот раҳбар рухсати билан амалга оширилган
Аниқлик	Счёт-фактуралар аниқ суммаларни акс эттиради ва улар кредиторлик қарзларини ҳисобга олувчи журналда рўйхатга олинган
	Кредиторлик қарзлари бўйича аналитик ҳисоб маълумотлари синтетик ҳисоб маълумотларига мос келади
Туркумлаш	Тўлашга тақдим этилган счётлар ҳисобот тузиш санасига мажбуриятлар ҳисобланади
	Бухгалтерия ҳисоби счётларида ҳисобга олинган моддий қийматликлар ҳақиқатдан корхонага тегишли
Ҳисобга олиш	Тўланиши керак бўлган счётлар бухгалтерия ҳисоби счётларида ва молиявий ҳисобот моддаларида тўғри акс эттирилган
	Таъминот бўйича мажбуриятларни тўлаш билан боғлиқ зарарлар ҳисоботда тўғри акс эттирилган
Даврлаштириш	Сотиб олинган моддий қийматликлар ўша давр бўйича ҳисоботда акс эттирилган
	Кредиторлик қарзлари улар шаклланган ҳисобот даврида акс эттирилган

Текширув маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмларини таҳлил қилиш билан амалга оширилади. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмларини комплекс таҳлили йиғма маълумотлар асосида амалга оширилади.

Базисли ўсиш суръати таҳлил этилаётган даврнинг биринчи йилига нисбатан, занжирли ўсиш суръати эса олдинги йилларга нисбатан кетма-кетликда амалга оширилади. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ҳисоботларда жорий баҳода ифодаланади. Таҳлил учун ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмлари таққосланадиган ҳолатга келтирилади, сўнг ўсиш суръатлари аниқланади[25] (5-жадвал).

[24] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.
[25] Шоғиёсов Т.Ш. Комплекс иқтисодий таҳлил. – Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2009. – Б. 52..

5-жадвал

Ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмининг таҳлили[26]

Йиллар	Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми жорий йил баҳосида, млн. сўм	Баҳо индекси	Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми базис даври баҳосида, млн. сўм	Ўсиш суръати, %		Маҳсулот сотиш ҳажми, млн. сўм	Ўсиш суръати, %	
				базисли	занжирли		базисли	занжирли
1	2	3	4	5	6	7	8	9
1	3506987	1,0	3506987	100	100	3504698	100	100
2	3999654	1,10	3636049	103,68	103,68	3621441	103,33	103,33
3	5235687	1,28	4090381	116,63	112,49	4092531	116,77	113,00
4	6719987	1,25	5375990	153,29	131,43	5374152	153,34	131,31
5	8579687	1,59	5396029	153,86	100,37	5396312	153,97	100,41
6	9345987	1,39	6723732	191,72	124,60	6727439	191,95	124,66
7	11879658	1,36	8735043	249,07	129,91	8670015	247,38	128,87
8	12930012	1,38	9369574	267,16	107,26	9368924	267,32	108,06
9	13909698	1,17	11888631	338,99	126,88	11886931	339,17	126,87
10	14399872	1,10	13090793	373,27	110,11	12998974	370,90	109,35

